

**ЗАМОНАВИЙ ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИНИ ЯРАТИШГА БЎЛГАН
ЁНДОШУВЛАР**

Насиров Илхам Закирович

Андижон машинасозлик институти “Транспорт логистикаси кафедраси профессори, т.ф.н., Email: nosirov-ilhom59@mail.ru, Тел. +998934428025.

Аннотация. Ўқув адабиётлари- инсон фаолиятининг тегишли соҳаси, бўйича тизимлаштирилган ва услубий жиҳатдан юқори савияли тузилган материални ўрганувчиларга тақдим этишининг асосий воситаларидан бири ҳисобланади. Улар-таълим муассасалари битирувчиларининг касбий малакаларини шакллантириши учун асос саналади. Бу ўрганувчиларнинг ўзларининг касбий соҳасида мустақил таълим олии орқали билим, кўникма ва тажрибаларга эга бўлишлари, ижодий фаолият тажрибасига эга бўлишлари асосида шакллантирилади.

Калит сўзлар: касбий соҳа, ижодий фаолият тажрибаси, олий касбий таълимнинг босқичи, тизимга ўтиши. модернизациялаши (такомиллаштириши), дарслик, ўқув қўлланма, таълим муассасаси, қўлёзма, касбий малакаларини шакллантириши.

ПОДХОДЫ К СОЗДАНИЮ СОВРЕМЕННОЙ УЧЕБНОЙ ЛИТЕРАТУРЫ

Насиров Ильхам Закирович

профессор кафедры «Транспортная логистика» Андижанского машиностроительного института, к.т.н., Email: nosarov-ilhom59@mail.ru, тел. +998934428025.

Аннотация. Учебная литература является одним из основных средств представления обучающимся систематизированного и методически грамотно структурированного материала соответствующей области человеческой деятельности. Она составляет основу для формирования компетенций выпускников образовательных учреждений, на основе самостоятельного приобретения ими знаний, умений и навыков в своей профессиональной сфере, опыта творческой деятельности.

Ключевые слова: профессиональная сфера, опыт творческой деятельности, уровень системы высшего образования, переход в систему, учебник, учебное пособие, учебное издание, образовательная организация, рукопись, формирования компетенций.

APPROACHES TO THE CREATION OF MODERN EDUCATIONAL LITERATURE

Annotation. *The Scholastic literature is one of the main means of the presentation training systematized and methodical literate outline material corresponding to area to human activity. She forms the central to shaping competency graduate of the educational institutions, on base of independent aquisition them knowledges, skills and skill in its professional sphere, experience to creative activity.*

Keywords: *professional sphere, experience to creative activity, modernizations and transition to level system of the high vocational training, textbook, scholastic allowance, scholastic publishing, educational organizations, manuscript, shaping competency.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонида Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий- ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш вазифалари белгиланган [1,2].

Фармонга асосан Олий касбий таълимни табақалашиш ва модернизациялаш даврида инновацион тавсифдаги ўқув- услугбий адабиётлари (дарслик, ўқув қўлланма, ўқув-услубий қўлланма) таъминотини яратиш алоҳида аҳамият касб этади. Ўқитишининг янги тизимида битирувчиларни тайёрлаш доирасида йўналиш профиллари сонининг ортиши ҳамда талабага ўқитиш мобиллиги шароитида ўзининг таълим траекториясини мустақил шакллантириш ҳукуқини тақдим этиш, машғулот ўтказишнинг сезиларли миқдорининг (аудитория машғулотларининг 20 дан 40 фойзгача бўлган вақт миқдорини) интерактив шаклдалиги, қўп меҳнат талаб қилиши ва аудитория машғулотлари миқдори кескин камайиб бораётганида талабалар мустақил ишининг креатив тавсифининг ортиши кузатилмоқда [3,4].

Бу шароитларда, талабаларнинг мустақил ишини турли-туман ўқув адабиётларининг етарли миқдорини таъминламай туриб, тайёргарликнинг юқори.

Талабага тақдим этилаётган ўқув адабиётлари қанчалик хилма-хил бўлса, унинг аудиториядан ташқари ишлари шунчалик самарали бўлади ва у шунчалик ўқув фани мазмунини эгаллашга ижодий ёндаша олади. Турли адабиётлар кутубхонаси мавжудлигига талаба, таълим масалаларига, ушбу ва турдош ўқув фанини эгаллаш даражасига, ўзининг интеллектуал ва ижодий потенциалига, англаш қобилияtlарининг ривожланиш даражасига, ахборотни индивидуал қабул қилиш ва

қайта ишлаш хусусиятларига мос бўлган, ўқув адабиётини танлаш имкониятига эга бўлади.

Ўқув адабиётларини ёзиш ғояси бирданига пайдо бўлмайди. Бу- кўп йиллик меҳнат самараси, “дилда орзу бўлиб қолган” ўқув адабиётларини ёзиш иштиёки. Биз ўқитиш учун мавжуд бўлган, деярли, барча усулларни қўллаб кўрдик. “Дидимизга ўтирган” бирорта ўқув адабиётлари устида тўхтамадик, чунки уларнинг бирортаси ҳам бизнинг эётиёжларимизни тўла қондира олмади.

Асосий талаблар- замонавий реалликка монанд мавзу, материалнинг долзарблиги, қайта ишлов бериш учун материалнинг етарли миқдори. “Велосипедни қайта кашф этишга тўғри келди”, ўзимизнинг материалимизни шакллантириш учун катта миқдордаги вақтни сарфлашга тўғри келди. Пировардида биз ҳам, бизнинг талабаларимиз ҳам натижадан қониқишиди.

Барча материални битта китобга йиғиши, талабаларга ундан осон фойдаланишлари учун имкон яратиш ва турли манбалардан олинган “материаллар уммонида ғарк бўлмасликларига” ёрдам бериш ҳисобланади.

Ўқув адабиётлари– ўқув материалини эгаллашга ёрдам берадиган, базавий кўникума ва ўрганувчиларнинг мустақил ижодий фаолиятини ривожлантирувчи таълим мазмуни ва ўқитиш воситасини ёйиб берувчи [5].

Ўқув адабиётлари унда ўқув предметининг мазмуни тартибли ва тизимли баён қилинган нашр саналади. Анъанавий ўқув адабиётларилар асосан таълимнинг предметли-билимли парадигмасига мўлжалланган ва репродуктив тавсифга эга. Улардан ўқув мазмунини ўрганиш қийин. Бунга сабаб, узун, мураккаб, ўта назарийлаштирилган матнлар, тушунтиришларсиз илмий атамалар, катта ҳажмли тушунчалар, ўта кўп миқдордаги рақамларнинг қўлланиши ҳисобланади.

Муқаммал бўлмаган услубий аппарат, мотивация қилинадиган элементларнинг кучсиз тақдим этилиши, амалдаги ўқув адабиётларилардаги материалларни узатишнинг бир хиллиги у бўйича таълим олаётган ўқув фаолиятини муваффақиятли ташкил этиш имконини бермайди. Ўқув адабиётлариларнинг янги авлодини яратиш таълим сифатини орттириш, замонавий ва самарали таълим муҳитини ҳосил қилишнинг асосий шартларидан бири нафақат ахборот тавсифидаги функцияларни, бажарувчи, балким, кўпроқ, ўқитишнинг фаолиятли жараёнини, ўрганувчиларнинг мустақил ишини ташкил этишга, ўқитишнинг фаол, интерактив ва бошқа замонавий шаклларини қўллашга йўналтирилган ўқув адабиётлари ва ўқув-услубий мажмуаларни яратиш ҳисобланади.

Замонавий ОТМ ўқув адабиётлариларини мақсади, тизимлаштирилган, дидактик ва услубий ишлов берилган ўқув материалларини тақдим этиш орқали, таълимнинг янгилangan мазмунини очиб бериш саналади.

Ўқув адабиётлари мазмунни танлашнинг дидактик тамойилларга мос келиши, ўқитиш мақсадлари тизимини амалга оширилишини, ўқув материалини мотивацияланган эгалланишини таъминлаши керак. У ўrnагувчи шахсининг илмий

дунёқарашы, маңнавий сифатларини шакллантириш функциясини бажаради, уни ўрганишга, маңнавий қадриятлар оламида ўзлигини топиш, муаммоларни ҳал қилиш, мұайян ижтимоий ролларни бажаришни ўргатади. Замонавий ўқув адабиётлари ўқитишининг ҳаёт ва амалиёт билан боғланишини амалга оширади, ҳаётій вазиятлар ва ўқув фаолиятида билимни фаоллаштиради.

Ўқув адабиётларини ишлаб чиқишига бўлган концептуал ёндошувлар. Замонавий таълимда энг устивор йўналиш компетентли ёндошувга ўтиш ҳисобланади. Компетентли ёндошувнинг мазмун ва моҳияти билим марказда бўлган парадигмадан фаолиятлилигига ўтишда, таълим бериш жараённанда ўқитиши мақсадини ўзгартиришда акс этади [6,7].

Ўқитишининг компетентли модулига ўтиш билан олий таълим дарслерининг асосий вазифалари ўзгаради:

- илмий дунёқарашни шакллантириш, инсон учун XXI асрда зарур бўлган шахсий сифатларни ривожлантириш;
- диагностик қўйилган мақсад ва параграф бошида мақсадга эришиш алгоритми;
- англаш қизиқишини орттирувчи ва ўқитиши мотивациясини кучайтирувчи усууларнинг устунлиги;
- тилнинг мuloқотлилиги, оммавийлиги, фаол ва интерактив ўқитишига, талаба билан “жонли” тилда сухбатлашишга йўналтирилганлиги,
- ўқув материалини дифференциаллашган ҳолдаги тақдимоти;
- тадқиқот усууларини қўллаш асосида талабаларнинг мустақил ўқув-англаш, ижодий фаолияти ўқув топшириклари тизими,
- услугбий восита ва усууларнинг кенг қамрови, шу жумладан, яққол ассоциацияни ривожлантирувчи, образли ёдда қоладиган таққослаш ва аналогларни қўллаш;
- ўқув-тарбиявий ишлар йўналиши бўйича, мұайян ўқув предмети мазмунининг ўзига хослигини инобатга оловчи, методлар ва усуулар;
- назорат, ўзаро назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш воситалари тизими.
- талабаларни илмий билим орттириш, аналитик ва критик фиклаш воситаларидан фойдаланишга ўргатиш;
- талабаларнинг мустақил ўқув-билим орттириш, ўқув-тадқиқот фаолияти кўникмаларини ривожлантириш.

Замонавий ўқув адабиётларининг мазмуни қуйидагилардир [8,9]:

- ❖ дидактик (предмет бўйича фундаментал билимларни баён этиш);
- ❖ психологик (ўқув адабиётларининг талабанинг психофизиологик хусусиятларига мослиги);
- ❖ услугбий (ўқитувчига фаолиятнинг турли-туман хилларини амалга ошириш имконини берувчи услугбий аппарат) қоидаларга асосланиши.

Замонавий ўқув адабиётларилар талаблар ва ўзининг мақсадли вазифаси мос келадиган таркибий қисмларга эга бўлади. Улар предмет бўйича “функционал гидлар” ҳисобланади ва ўз ичига нафақат ўқув материалини қамраб олади, балким, талабаларни билимларни мустақил излаш ва мустақил ўқиб билим орттиришга чорлайди.

Замонавий ўқув адабиётларилар мазмунга янгича ёндошувни қуидалар:

- ўқув-билим орттириш, ривожлантирувчи, мотивацияловчи тавсифга эга бўлган топшириқлар ва фаолият турларини синчиклаб танлаш;
- талабаларнинг турли-туман ижодий фаолиятини моделлаш;
- мантиқий, амалиётга йўналтирилган, аналитик фикрлаш ва тил ўрганиш кўникмаларини ривожлантириш:
 - мустақил изланиш кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам бериш;
 - бошқарув, тадбиркорлик, коммуникатив ва тил компонентларини ривожлантириш заруриятини инобатга олиш учун имкониятларини яратиш орқали ҳар томонлама акс эттириши.

Ўқув адабиётларини яратишга бўлган педагогик ёндошувлар. Замонавий ўқув адабиётлари мазмунини ишлаб чиқиш ва шакллантиришда қуидагиларни инобатга олиш керак [10]:

- тизимли-фаолиятли ёндошув (билим ва кўникмаларни тизимли эгаллаш, ўқув муаммоларини ҳал қилиш, талабаларда амалиётга йўналтирилган ҳамда аналитик фикрлашни ривожлантириш жараёнида ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорликдаги фаолиятининг зарурлигини инобатга олиш. Ўқув материалини ўқитиш мақсадини амалга оширишда “оддийдан мураккабга қараб”, “муайяндан мавхумга қараб” тамойили асосида баён этиш);
- предметлараро ёндошув (билимлар интеграцияси асосида, оламнинг моддий манзарасига қарашнинг, ягона тизимини ягона тизимни шакллантириш);
- интерактив ёндошув (ўқув адабиётлариг услубий аппаратининг ўқитувчи ва талаба ўртасида, талабаларнинг ўзларининг ўртасида, самарали алоқасини ташкил этишга, ҳамкорлик педагогикаси: “талаба-ўқитувчи”, “талаба-талаба” “талаба-гурух”, “талаба-жамоа” тамойилларига асосланган очик мулоқотга йўналтирилганлиги;
- шахсий-йўналтирилган ёндошув (шахсий сифатларни, шунингдек, шахснинг ўзини умуман ривожлантириш);
- компетентли ёндошув (кенг спектрдаги кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган, унда ўқув жараёни амалий натижаларга йўналтирилган, кенг маънодаги таълимнинг фаолиятли тавсифини амалга оширувчи ёндошув).

Ўқув адабиётлари устида ишлаш бу китоб нимага ўргата олади ва мўлжалланган мақсадга қандай воситалар ёрдамида эришиш мумкинлиги ҳақидаги масалани ҳал килишдан бошланади.

Талаба қандай билимларни, қандай ҳажмда ва ўқув адабиётларининг қайси бўлимларида эгаллаши ҳамда у қандай амалий кўникмаларни ривожлантира олиши мумкинлиги ҳақидаги масалалар ечилади. Ўқув адабиётларини яратишда барча бу ёндошувлар ўзаро чамбарчас боғланган, интеграцияланган бўлади ва улар бир-бирини ўзаро аниқлаб берадилар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Илхам Закирович. (2022). МУСТАҚИЛ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ШАКЛЛАРИ. *Conference Zone*, 327–332. Retrieved from <http://www.conferencezone.org/index.php/cz/article/view/867>
2. Насиров, И. З., Косимов, И. С., & Каримов, А. А. (2017). Морфологик тахлил" методини қўллаб ўт олдириш свечасини такомиллаштириш. *Инновацион технологиялар*, 3, 27-74.
3. Zakirovich, N. I. (2022). Parallel educational and scientific works in higher educational institution. *MASHINASOZLIK ILMIY-TEXNIKA JURNALI*, 517-522.
4. Насиров, И. З., & Капский, Д. В. На одного ребенка семь махаллы-родители!.... *Материалы*, 691-694.
5. Насиров Илхам Закирович. *ИЖОДКОРЛИККА ЁРДАМ БЕРУВЧИ ВА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР // О'ЗБЕКИСТОНДА FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI*, «BEST PUBLICATION» Ilm-ma'rifat markazi ©, 2022 14-SON, 605-611 б. <https://bestpublication.org/index.php/ozf/article/view/2489>.
6. НАСИРОВ ИЛХАМ ЗАКИРОВИЧ. ПАРАЛЛЕЛЬНОЕ ВЕДЕНИЕ УЧЕБНОЙ И НАУЧНОЙ РАБОТ В ВУЗЕ// PEDAGOGICAL SCIENCES AND TEACHING METHODS: a collection scientific works of the International scientific conference (17 January, 2023) - Copenhagen:2023. Part 19- p. 175-177.
7. Насиров И.З. YANGI G'ОYALARNI ISHLAB CHIQISH//JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS VOLUME- 18 | ISSUE- 5 DECEMBER- 2022- <http://www.newjournal.org/> 49-56 б.
8. Насиров Илхам Закирович, Тешабоев Улуғбек Мирзаахмадович. "ТУГАЛЛАНМАГАН ЖУМЛАЛАР" МЕТОДИНИ ҚЎЛЛАШ ЭВАЗИГА ЎТ ОЛДИРИШ СВЕЧАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ// О'ЗБЕКИСТОНДА FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI, «BEST PUBLICATION» Ilm-ma'rifat markazi ©, 2022 14-SON, 590-598 б. <https://bestpublication.org/index.php/ozf/article/view/2487>.
9. Насиров И.З., Зокиров И.И. Обучение детей творчеству в семье// Международный научно-образовательный электронный журнал «Образование и

наука в XXI веке». Выпуск №14 (том 3) (май, 2021). Дата выхода в свет: 31.05.2021.
М.: ООО «Моя профессиональная карьера». с. 69-74.

10. Насиров И.З. Компьютерлаштирилган ўқитиш технологиясидан фойдаланиш// Fan, ta'lim va ishlab chiqarish integratsiyasida raqamli iqtisodiyot istiqbollari. Respublika miqyosidagi ilmiy-texnik anjuman materiallari to‘plam-i Jizzax: O‘zMU JF, 5-6-may 2021-yil. 368-bet., 137-141 б.